

**МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА ПЕДАГОГЛАРНИ
АКТ БЎЙИЧА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА
ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ**

Ибадуллаева Зарнигор Оллалар кизи

Ўзбекистон Республикаси Хоразм Вилояти Ҳазорасп Туман 1-сон

Политехникуми "Информатика ва АТ" фани ўқитувчиси

Annotation: In order to overcome the problems of professional development of teachers, in our opinion, not only the development of traditional organizational and pedagogical measures, but also step-by-step, categorical, industry-oriented, individualized methods, approaches, teaching models (distance learning, ON- LINE-learning).

Keywords: Distance learning, individualization of education, field-oriented, active models of teaching.

Шаклланаётган ахборот жамияти муҳотида бирорта соҳани ахборот коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Худди шундай, биринчи навбатда, ахборот коммуникация технологиялари таълим жараёнининг сифатини, келажак мутахассисларининг назарий ва амалий салоҳиятини, компетентлилигини оширишни таъминловчи инструментал, замонавий ўқитиш технологиясининг асоси, амал дастури бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозирги пайтда ҳар қандай касб эгаси ахборот коммуникация технологияларининг (АКТ) турли туман усул ва методларидан касбий фаолияти доирасида самарали фойдалана билиши зарур.

Педагогнинг малакасини ошириш, охириги 3 йил мобайнида ўзининг соҳаси бўйича назариётда ва амалиётда бўлган янгиликларни ўзлаштириш, замонавий АКТ бўйича янги маълумотларга эга бўлиш, худди шундай янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига қўллаш бўйича, ҳамда Республика миқёсида бўлаётган таълим тизимидаги ўзгаришлар, янги таълим стандартлари, инновацион жараёнлар бўйича етарлича кўникмага эга бўлишликни тақозо этади. Педагогнинг малакасини ошириш даставвал унинг маданий- илмий салоҳиятини такомиллаштириши замон талабларига мос таълим-тарбия босқичига йўналтирилган бўлиши зарур. Педагогларни касбий фаолият соҳаси бўйича малакасини оширишда унинг таълим-тарбия тўғрисидаги илмий-педагогик салоҳиятини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Илмий–педагогик салоҳияти юқори даражадаги ва паст даражадаги педагоглар билан ишлашни алоҳида олиб борган мақул.

Илмий адабиётларда педагогнинг малакасини оширишни такомиллаштириш масалаларига қуйидагича қаралмоқда, чунончи малака

ошириш тизимининг имкониятлари батафсил ўрганилиб, таҳлил қилиниб уни регионлар бўйича қайтадан ташкил қилиш, педагогларни курсовой тайёрлаш индивидуал малака ошириш бўйича педагогик ва психологик муаммолари ўрганилмоқда.

Бир қанча олимлар ўзларининг изланишларида малака ошириш институтларининг фаолиятини самарадорлигини оширишнинг турлича ёндашувларини (рус оимларидан Браже Т.Г., Капитанская А.К., Чечель И.Д ва бошқалар, Ўзбекистонлик олимлар: Абдуқодиров А.А., Арипов М ва бошқалар), яъни принципиал янги функцияларга эга бўлган даражадаги малака ошириш таълим масканига ўтиш тамойилларини ишлаб чиққанлар. Шунга қарамасдан, амалиётда, умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежлари ўқув-тарбия жараёнига жадал кириб келаётган инновацион жараёнларга нисбатан малака ошириш тизимида инерциялик мавжуд. Умумтаълим мактаблари ва касб- хунар коллежлари педагогларини малакасини оширишда ҳар бир таълим масканининг ривожланиш даражасини, ҳамда педагогнинг илмий-методик салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда педагогларни ўзига хос, ихтисослашган, категориялаштирилган тарзда ўқитишнинг усул ва методларини шакллантирмоқ зарур. Бундай ҳолат кўпчилик илмий-амалий изланувчилар томонидан тасдиқланган ва таклифлар берилган. Ҳозирги пайтда, таълим жараёнини янада такомиллаштириш босқичида педагогларнинг малакасини ошириш бўйича муаммолар ҳам мавжуд, чунончи:

- касб-хунар коллежлари мутахассисларига, педагогларнинг фаолиятига бўлган талабнинг ошиши ва кўпчилик педагогларнинг касбий профессионалиги бўйича замон талабларидан орқада қолиш;
- таълим муассасаси жойлашган ҳудуднинг, ўқувчиларнинг, педагогларнинг шарт- шароитларини ҳисобга олган ҳолда анъанавий малака ошириш шакллари билан бир қаторда малака оширишнинг янги шакллари, структураларини яратиш;
- педагогларнинг малакасини оширишнинг норматив талабларини бажаришнинг зарурлиги билан малака оширишнинг узлуксиз технологияси, механизми бўйича замонавий илмий асосланган мақсадли малака ошириш моделларининг ишлаб чиқилмаганлиги ва бошқалар.


Юқорида келтирилган, муаммоларни, қарама-қаршиликларни бартараф қилиш учун, бизнингча, нафақат анъанавий ташкилий-педагогик чоратадбирларни ишлаб чиқишга эмас, балки педагогларни малакасини оширишнинг поғонали, категорияли, соҳаларга йўналтирилган, индивидуаллаштирилган (ҳудуддаги олий таълим маскани профессор-ўқитувчисига ўқув йили мобайнида касб-хунар коллежининг, ёки умум ўрта таълим мактабининг 2-3 нафар педагогини махсус индивидуал режа асосида малакасини ошириш), усул-методларини, ёндашувларини, ўқитиш

моделларини (масофавий таълим, ON-LINE-таълим) яратишга қаратиш мақсадга мувофиқ.

Келтирилган муаммоларни бартараф этиш учун педагогларнинг малакасини ошириш таълим маскани (олий таълим муассасаси қошида бўлиши мумкин) ўзининг ҳудудидаги умум ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари бўйича тўлиқ маълумотга эга бўлиши зарур.

Таълим соҳасида давлатимиз сиёсати ҳар бир фуқаронинг ва жамиятнинг замонавий истеъмол товарларга, иқтисодийнинг инновацион ривожланиш талабларига мос келадиган сифатли таълим олишни ривожлантиришга йўналтирилган. Инсонининг инновацион ривожланиши ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлган, новатор, ижодкор ҳамда ностандарт ечимларни топа оладиган мутахассисни, шахсни доимий тарзда шакллантиришни, тарбиялашни, яратишни тақозо этади. Шу боисдан ҳам, ҳар қандай поғонадаги таълим тизимининг бош масаласи базавий маълумотга эга бўлган компетентли, касбий фаолиятнинг замон талабларига мос келадиган комил инсонни, шахсни, мутахассисни шакллантиришдир.

Биз биламизки замонавий бозор иқтисодиёти шароитларида, касб йўналиши мутахассисларига индивидуал талаблар қўйилмоқда, яъни таълим масканларида мутахассисларни халқ хўжалигининг соҳалари учун мақсадли йўналтирилган тарзда (индивидуал талаблар, шартномалар асосида) тайёрлашни амалга ошириш. Бундай замон талабларига монанд мутахассисларни тайёрлашни, таълим-тарбия жараёни тўлиқ модернизация қилинаётган ОТМ ТАТУ мисолида кўриш мумкин.



Малака ошириш тизимида таълимни индивидуаллаштириш моделининг бир варианты (Интернет-ресурсларидан фойдаланилган ҳолда)

Худди шундай, ҳар қандай мутахассисни касбий фаолияти бўйича малакасини ошириш учун худуднинг, таълим масканининг, мутахассиснинг объектив ва субъектив жihatларини ҳисобга олган ҳолда индивидуаллашган, мослашган, мақсадли йўналтирилган таълим дастурларини яратиш зарур. Бундай шароитда малакасини оширувчи мутахассис турли-туман таълим дастурларидан касбий фаолияти учун энг мақбул, долзарб бўлган дастурни танлайди. Бироқ анъанавий малака ошириш тизими мутахассисларни оммавий тарзда индивидуал таълим дастурлари асосида малакасини оширишга йўналтирилган эмас.

Юқорида келтирилган муаммони ечимини, АКТ бўйича мутахассисларни малакасини оширишни индивидуал таълим дастурлари асосида, ТАТУ моддий техника базасидан, ҳамда профессор-ўқитувчилар жамоасидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш мумкин. Шу муносабат билан ТАТУ Урганч филиалида АКТ йўналиши бўйича таълим муассасалари раҳбарлари ва педагогларини узликсиз малакасини ошириш шароитига мослашган индивидуал таълим дастурларини яратиш ва ўқитиш моделини лойихасини бир варианты ишлаб чиқилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2017. – 70 б.
2. Скакун В. А. Организация и методика профессионального обучения. Учебное пособие. – М.: ФОРУМ - ИНФРА-М, 2007. – 178 с.
3. Дистанционное обучение в профильной школе /Под ред. Е.С.Полат.- М.: Издат. Центр «Академия», 2009.- 208 с.
4. Горшенин А.Ю. Системный подход к подготовке учителей информатики – перспектива динамичного развития науки и технологий//Ставропольский государственный университет, 2012. – 7 с.